

Гулчехра Исматова

ТУПРОҒИНҒИ ЁПИНАЙ, ВАТАН

ТОШКЕНТ — 2010
«ТАФАККУР» нашриёти

Инсон гоҳида ўз кўнглидагини оқ қоғозга тўкиб солади. Қоғозга тушган мисралар эса насрда ёки назмда бўлиши мумкин. Аммо муҳими бу эмас...

Муҳими ундаги маъно. Мисралар қатидаги эзгулик тараннуми.

Самимият...

Гулчехра Исмаатованинг содда, беғубор, ўхшатиш ва ташбеҳлардан холи мисралари сиз ўқувчини бефарқ қолдирмайди деб умид қиламиз!

Муаллиф Искандар Очилдиев, Чори Жумақулов, Худойберди Очилдиев, Шоди Омонбоевга ушбу китобни чоп этишда кўрсатган ёрдамлари учун миннаддорлик билдиради.

ISBN:978-9943-372-22-1

© Гулчехра Исмагова
© «ТАФАККУР» нашриёти

ВАТАН

Беғубор бағрингда ўсдим, улгайдим,
Кўнглим муҳаббатинг билан омондир.
Юртдошлар, яшаймиз бир жону тандай,
Ўлсам тупроғингни ёпинай, Ватан.

Сен билан қувватим, бахтим ҳар нафас,
Сенинг аллаларинг бергандир ҳавас.
Нону тузинг бўлди ҳимматга асос,
Ўлсам тупроғингни ёпинай, Ватан.

Сен менинг мустақил, эркин қошоном,
Аждодлар тухфаси қутлуғ нишоном.
Авлодим таянчи, ёруғ пешоном,
Ўлсам тупроғингни ёпинай, Ватан.

Қушлар мадҳиянгни қуйлар тинмайин,
Тавсиф, таърифингда дostonлар тайин.
Мен ҳам сенга жоним фидо этайин,
Ўлсам тупроғингни ёпинай, Ватан.

Улуғ донишларинг йўлини ўтай,
Озод остонангда меҳмонлар кутай.
Байроғинг доимо қўлимда тутай,
Ўлсам тупроғингни ёпинай, Ватан.

ХАБАРЧИ

Қаҳратон қиш совуқда, хат келтирган хабарчи.
Жазирама иссиқда, тер сидирган хабарчи.
Эл оралаб юрасан савоб ишлар қиласан.
Нуронийлар учун ҳам доим хизмат қиласан.

Мухтожларга меҳрибон, тенг қараган хабарчи.
Кўнгил овлаб мулойим, ҳол сўраган хабарчи.
Ишларинг-ку беҳисоб, шундан обрў топасан.
Хонадонма хонадон янгилик тарқатасан.

Хабарчижон, хабарчи оёғинг дард кўрмасин.
Келтирган хабарингда ҳеч ёмонлик бўлмасин.

СУРХОНИМ

Ўзбекистон бағрида,
Битта маржон Сурхоним.
Гўзалликда тенгги йўқ,
Азиз юртим, кўрғоним.

Томирдаги қонимда,
Термизийлар қони бор.
Мустақиллик зафарида,
Аждодларнинг шони бор.

Юракка яқин тутиб,
Қуёш зиёсин сочгай.
Унинг тафтидан яйраб,
Чаманлар юзин очгай.

Алпомиш келбатлилар,
Эл тинчлигин сақлагай.
Лочиндай қанот қоқиб,
Она сутин оқлагай.

Амудай дарёси бор,
Сокин-сокин оқади.
Сурхон деса юрагим,
Қувончдан ҳапқиради.

От ўйнатиб йигитлар,
Алпомиш бўлай дейди.
Юрт бағрида қизлари,
Барчиной бўлай дейди.

СЎРАСАЛАР

Дунёда тоза қалб кимда десалар,
Болаларда деган жавоб қилайин.
Десалар мустаҳкам оёқ кимдадир,
Аскарларда дейман жавобим тайин.

Дунёда энг яхши қўшиқ кимники,
Она алласидир, ул азизники.
Сўрасалар энг яхши орзу кимники,
Айтардим, севишган йигит — қизники.

Дунёда мард инсон ким деб сўраса,
Албатта жавобим улар эркаклар.
Сўрасалар энг яхши ифор қайдадир,
Дейман юрт тупроғи хиди муаттар.

Сўрасалар энг яхши бўстон қайдадир,
Албатта жавобим Ўзбекистондир.

ХИЁНАТКОР НОҒОРА ЧАЛСА

Табассум ҳам сендан қочади,
Кўзингда ёш сел-сел оқади.
Танишларинг ҳайрон боқади,
Хиёнаткор ноғора чалса.

Ҳаётингни зулмат ютади,
Ишончингга путур етади.
Қадамларинг ортга кетади,
Хиёнаткор ноғора чалса.

Очилган гул сўлиб қолади,
Тоза қалбга гумон солади.
Дўстлар ҳатто душман бўлади,
Хиёнаткор ноғора чалса.

Бошинг ғамдан эгилади,
Юрак бағринг эзилади.
Кўздан ёшинг сизилади,
Хиёнаткор ноғора чалса.

ОНАЖОН

Сиз менинг оймомомсиз,
Тунлар юзим ёритган.
Сиз менинг офтобойим,
Юрак қалбим иситган.

Сиз менинг уммонимсиз,
Дардларимни оқизган.
Сахроларда қумғонимсиз,
Ташналигим қондирган.

Сизсиз яшаб бўлмайди,
Дунё бўлар зимистон.
Онажоним тириксиз,
Хувилламас уй бўстон.

ОТАЖОН

Сиз борсиз-ки отажон,
Менинг бағрим бутундир.
Сиз борсизки отажон
Тилим бийрон, узундир.

Ота эрур, фарзанднинг
Дардини тинглагувчи.
Қалбига етса озор
Ҳолини англагувчи.

Бошини силаб қўйгай,
Мамнун муддаосидан.
Тасалли топгай фарзанд,
Насихат, дуосидан.

Отажон омон бўлинг,
Сизсиз бахтим кулмагай.
Сиздан бошқа таянч йўқ.
Ҳеч ким сиздай бўлмагай.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1085> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1085> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1085>